



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ССЖИ Президенти ГФЖда

БОНН, 9 ноябрь (ТАСС). ССЖИ Президенти М. С. Горбачев бугун ГФЖ федерал канцлери Г. Коллинг таклифига биноан Германия Федератив Жумҳуриясига ташриф бурди.

Сафарда Президентга Э. А. Шеварднадзе, С. А. Ситарян, М. А. Моисеев, А. С. Черняев, Ю. А. Квицинский, В. М. Фалин ҳамкорлик қилишмоқда.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Кельн-Бонн аэропортида М. С. Горбачев ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларни ГФЖ федерал канцлери Г. Коллинг, ГФЖ ташқи ишлар вазири Г.—Д. Геншер, ГФЖ федерал Президенти меҳкамасининг стас-котиби А. Майер—Ламдрот, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида ССЖИнинг ГФЖдаги элчиси В. П. Терехов билан ГФЖнинг ССЖИдаги элчиси К. Блех бор эди.

Гарчи ушбу ташриф гоят амалий тусда бўлсада, унинг сиёсий аҳамияти ниҳоятда юқоридир. Бу буюк давлат раҳбарининг Бирлашган Германияга дастлабки ташрифидир. М. С. Горбачев бу ерга илк бор ССЖИ Президенти сифатида келди. Шу кунларда имзоланиши керак бўлган ҳужжатлар ҳам одатдаги ҳужжатлардан эмас: яхши кўшникчилик, шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг номлик мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги сифат касб этаётганлигидан далолат беради.

М. С. Горбачев билан унга ҳамроҳ бўлган кишилар аэропортдан Рейн соҳилидаги хушманзара тепаликлардан биринида жойлашган ва ўзлари учун ажратилган Петерсберг боргоҳига йўл олишди.

Дарҳол ташрифнинг амалий қисми бошланди. Автомашиналар карвони ГФЖ федерал Президентининг боргоҳи бўлган Хаммершмидт вилласига йўл олди. Бу ерда совет меҳмонларини кутиб олиш расмий маросими бўлиб ўтди. Р. Фон Вайцеккер ва унинг рафиқаси М. С. Горбачев ва Р. М. Горбачева билан вилла олдидаги майсазорда саломлашдилар. Кутиб олувчилар орасида ГФЖ федерал канцлери Г. Коль, ташқи ишлар вазири Г.—Д. Геншер, молия вазири Т. Вайгель, меҳнат ва ижтимоий ишлар вазири Н. Блюм бор эди.

Кўшинлар уч турли фахрий қоровулнинг бошлиғи рапорт беради. ССЖИ ва ГФЖ давлат мадҳиялари ижро этилади. Иккала мамлакат раҳбарлари фахрий қоровул сафини айланиб ўтадилар.

Боргоҳнинг «Каминли залида Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмон ГФЖ Президенти билан суҳбатлашди.

«Меҳнат кишилари — Октябрь билан» ДЎСТЛИК ВА ҲОСИЛ БАЙРАМИ



ОНА табиат ҳам саҳийлик қилди бу сафар. Эрта тонгдан одамлар оқими Оҳангаронинг марказий майдони сори кела бошлади. Кузнинг саҳнадаги муносабатлар янги сифат касб этаётганлигидан далолат беради.

Ноҳия Шўроси раиси, партия кўмитасининг биринчи котиби С. Балашов байрам қатнашчиларини қизгин табриклади.

Шундан сўнг меҳнатқилар вакилларининг байрам намоийшлари бошланади. Улуғ Октябрь инқилобининг 73 йиллигига бағишланиб ўтказилаётган байрам намоийшини ноҳия ва шаҳар мактабларининг ўқувчилари бошлаб бердилар. Майдонга кириб келган ноҳия сановатчилари ва қурилиш-

ларининг меҳнатчилари намоийшчилари кайфиятида Октябрни шарафлаш, буюк инқилобни эъозлаш туйғуларини рўй-рост кўришиб турарди. Айниқса «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Стройпластмасс», дон маҳсулотлари комбинатларининг вакиллари бу йилги Инқилоб байрамини ишлаб чиқаришда улкан ютуқлар билан кутиб олдилар.

Кишлоқ ҳўжалик корхоналарининг байрам намоийшини «Геллакудук» совхозининг ишчилари вакиллари колоннаси бошлаб берди. «Оҳангарон», Ворошилов, Серго номли совхозларининг ишчилари, чорвадорлари вакиллари ҳам байрам намоийшига катта тейвгарлик кўришганлари сезилиб турди.

Ноҳия меҳнатқилари Октябр инқилоби байрамига Дўстлик ва Ҳосил байрамла-

рини ҳам муштарак ҳолда улаб юбордилар. Намойишдан сўнг, марказий майдондаги саҳнада ноҳия маданият шўбасининг ҳаваскорлари ўзларининг Оча тили байрамига бағишланган чиқишларини намоийш этдилар. Биродарлик, дўстлик ва ўзаро иттифоқ шиорлари остида ўтган тантаналарда рус, ўзбек ва бошқа қардош халқлар тилларида кўшиқлар ижро этилди, кўйлар янгради, шеърлар ўқилди. Биринчи ҳаваскорларнинг ҳар бир чиқишида халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳурмат ифодалари тэранным этилди.

Куйбишев номли совхознинг теграсидаги майдонда Ҳосил байрамини ўтказилди. Бу ерда ноҳиядаги барча ҳўжаликлар ўз ўтовларини тикдилар, ҳар бир совхоз меҳнатчиларига хос бўлган алоҳида таомлар тортилди. Айниқса, ноҳия миқёсида ўтказилган

кўпқари-улоқ мусобақалари Ҳосил байрамига алоҳида таърифи бағишлади.

Ноҳияда ўтказилган тантаналарда Оҳангаронинг биродарлашган ноҳиялари: Қозғистоннинг Келес ва Ленинск, Тожикистоннинг Ашт ноҳияларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар. Шунингдек, байрам тантаналарида кўшни Пискент ноҳияси, Ангрэн, Олмалик шаҳарларининг вакиллари ҳам қатнашдилар.

Байрам тантаналари ноҳия марказидаги барча хибонларда, кўчаларда кечгача давом этди. Расталарда, майдонларда ноҳия совхозларида этиштирилган ноз-неъматлар, савдо кўргазмалари уюштирилди.

Мўмин ҚАЮМОВ.

Суратларда: байрам тантаналаридан лавҳалар.
Ж. НОМОЗБОВ
суратга туширган.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИКАТИ

обуна

бўлдингизми?

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЯЛАР!

1991 йил рўзнома ва ойномалари учун обуна 20 ноябргача давом этмоқда. Келаси йилда ҳам «Тошкент ҳақиқати» рўзномасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» идорасига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун қабул қилинади.

Эслатиб ўтамыз: рўзноманинг обуна баҳоси 1 йилга—15 сўм 60 тийин.

• Эртага жумҳурият шифокорларининг I қурултойи очилади

Кўзлари қувончдан порлаган, чеҳралари тугʻли хушчаққан болаларни кўрганимда кўнглим яйраб кетади. Зероки, дуркун ўсаётган ворисларимиз жамиятнинг ҳам, оиланинг ҳам бахти, таянчидир. Албатта, фарзандлар саломатлиги жуда кўп омилларга боғлиқ. Биз яшаётган муҳит, турмушимиз даражаси, яратилган шарт-шароит ва ҳаётнинг бошқа қирралари уларнинг вонга етишида муҳим ўрин тутини табиий. Ана шу жиҳатлар орасида ҳаммасидан ҳам кўпроқ эътибор бериш зарур бўлгани — оналарнинг саломатлигини таъминлашдир. Зероки соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Афсуски, йиллар давомида бизнинг жумҳуриятимизда, хусусан, вилоятимизда бу ўта жиддий муаммони ҳал этишга етарлича эътибор берилмади. Бунда биз шифокорлар ҳам туноҳдан ҳоли эмасмиз, албатта. Пахтазорлар узра тайёралар заҳарли дориларни сеппиб сувларни булғатганда ҳам, дархатларга осылган беланчақлар ёнгинасида тракторлар наъра тортиб кимёвий дориларни пуркаганда ҳам, дала оромгоҳлари билан ёнма-ён сақланаётган бутифосларни кўра-била туриб ҳам бонг уролмадик. Аникроғи, бизга ўша кезларда ҳеч ким қўлоқ осмасди.

Яхшиям ошкоралик, демократия бор экан. Бу борадаги «яра» ёрилди. Ҳақиқат сув юзига қалқиб чиқди. Эндликда камқон оналар, далаларда эртадан то шомга қадар бели дол бўлиб кетмон чапётган аёлларга росмана нам-хўрлик кўрсатиш учун имконият яратилди. Бунинг учун жумҳурият партия ҳукумати, раҳбарларига раҳмат. Уларнинг талаблари, тутаётган йўл-йўриги тўғайли оналик ва болалик муҳофазасини таъминлашда пойтахт вилояти соғлиқни сақлаш тармоқларида ҳам жиддий илжишларга эришилди. Энг муҳими, она соғлиғи ҳақида бола туғилгунга қадар ўйлайдиган бўлиб қолдик.

Бу соҳага ҳар қачонгидан ҳам кўп маблаг сарфланмоқда. Маъмурий биноларнинг даволаш муассасалари учун бўшатиб бериш, янги касалхона ва поликлиникалар қуриш ҳисобига соғлиқни сақ-

лашнинг моддий базаси тобора мустаҳкамланиб бораётир.

Бир кўнлик қабул вақти давомида бир йўла 2025 беморга хизмат кўрсатадиган поликлиникалар, 825 ўринли касалхоналар қурилди. Шу жумладан, 950 ўринли болалар поликлиникаси ва 200 ўринли касалхона қад ростлади. Тугруқхона бўлимлари тармоғи яна 320 ўринга кўпайди.

Бўшатиб берилган маъмурий бинолар ҳисобига ҳам аячгина болалар даволаш муассасалари жойлашди. Шу йилнинг январь ойида фойдаланишга топширилган вилоят болалар шифохонаси замона-

билан жиҳозланмоқда. Бу борада вилоят агроасаноат комитети бизга ёрдам қўлини чўзди. Бу ташкилот 2,5 миллион сўмлик чет эл валютасини ажратгани ҳолда кўплаб медицина техникасини сотиб олишга имтиёз яратиб берди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Польша, Чехословакия, Германия, Венгриядан бундай асбоб-ускуналар сотиб олинмоқда.

Биз моддий базани мустаҳкамлаш ҳақида гапирар эканмиз, ажратилаётган баъзи маъмурий бинолар даволаш муассасалари талабларига жавоб бермаётганлигини алоҳида қайд этмоқчимиз. Бун-

бўлган маҳсулотларнинг йўқлиги, она сути етмагани ҳолда магазинларда шاربатлар, сабзавот ва гўшт порелари, болалар учун қуруқ аралашмалар йўқлиги ҳам ишга салбий таъсир кўрсатаётганлиги тўғрисида батафсил гапириб ўтирмадик. Ваҳоланки, янги бўшанган она организмни витаминларга, тўйимли озиқ-овқатларга муҳтож бўлади.

Атроф муҳит экологик ҳолатининг бузилиши ҳам оналар ва болалар саломатлигига шубҳасиз путур етказмоқда. Айниқса, далаларда қўлланилаётган пестицидлар ва бошқа заҳарли химикатлар тўғайли она организмни заҳарланмоқда. Бунинг оқсисида туғилма-жақ бола саломатлиги ёмонлашмоқда. Атрофимиздаги ҳavo, сув, tupроқда бундай заҳарли химикатлар асорати кўпайиб кетганлигидан қўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда болалар соғлигини қонқарли аҳволда деб айта олмаيمиз.

Биргина кейинги ўн йил мобайнида ҳомилалор аёлларнинг анемия касаллигига чалиниши тўрт баравар ортганини, болалар ўлими кўпайганини ва ҳар хил асоратлар билан туғилаётган чақалоқлар соми ортганини ачиниши билан қайд этасан, киши. Нимсон туғилаётган болаларда эса жигар касаллиги тез авж оlib, уларни «сарик»га гирафтор этмоқда. Шунинг учун ҳам биз экология муаммоларини ҳал этишга кўпроқ эътибор беришимиз ва оналик ҳамда болаликни муҳофаза этишни ўзимизнинг биринчи галдаги вазифамиз деб билишимиз керак. Шифокорларнинг сўзиди ана шу масалаларга кенг ўрин беради, деган фикрдаман. Яна шунини ҳам қўшимча қилмоқчиманки, умуман соғлиқни сақлаш борасида, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза этиш соҳасида ҳар бир шифокор ўз ишини қайта қуриши ва бу иш учун ўзини алоҳида мастул деб билиши лозим. Зеро ҳар бир инсон ҳаётининг мазмуни — фарзанд.

М. БЕКНОЗОВА,
Тошкент вилоят ижроия кўмитаси соғлиқни сақлаш бўлимининг мудир.

ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНИ — Ф А Р З А Н Д

вий медицина асбоблари билан жиҳозланди. Шунингдек, улар учун юқумли касалликлар шифохоналари, кардиоревматология, неврология, физиотерапия, неонтология соҳаларига дахлдор муассасалар сони ҳам ортди. Даволаш муассасаларида 24 та нажал терапия шалаталари, шунингдек 17 та дарҳол ёрдам кўрсатадиган реанимация бўлимлари очилди.

Оналар ва болаларга ихтисослашган ёрдам кўрсатиш мақсадида 48 та тез ёрдам педиатрия бригадалари, 4 та аллергия кабинети, 6 та саломатлиқни қайта тиклаш ва қайта даволаш бўлимлари ва бир қатор гинекология кабинетлари фаолият кўрсатиб турибди.

Фельдшер-акушерлик пунктларида янги лавозим — уйга қатнаб ёрдам кўрсатувчи ҳамширалар лавозимининг жорий этилиши ҳам ишимизда яхши натижалар бермоқда. Болалар даволаш муассасалари ҳамда туғруқхоналар қўшимча равишда эндоскоплар, касалликни аниқлашда қўлланиладиган ультратовушли аппаратлар

дай жойларда битта бемор учун ажратилаётган жой уч-тўрт квадрат метрни таъсир этмоқда. Аслида эса бу майдон 7—8 квадрат метрдан иборат бўлиши керак. Бинолар мутлақо мослаштирилмаган тарзда, баъзан эса оддий шарт-шароитлар яратилмаган ҳолда топширилмоқда. Айни пайтда янги даволаш муассасалари қуриш учун давлат ажратган капитал маблағлардан тўла фойдаланилмаётгани кишини ачинатиради. Масалан, Бекобод шаҳридаги туғруқхонани қуриш учун ажратилган маблағнинг тўққиз ой давомида бор йўғи 53 фоизи, Бўна туғруқхонасида эса беш фоизи ўзлаштирилди ҳолос. Бекобод шаҳрида болалар поликлиникасига қўшимча хоналар қуриш учун пул ажратилгани ҳолда бу борада мутлақо нил бажарилмади. Бўна ноҳиясининг «Коммунизм» колхозиданги болалар касалхонасини қайта тиклаш ишида ҳам ўта сустлик қилинаётир.

Биз бу ерда қишлоқ касалхоналаридаги шароитнинг ёмонлиги, айниқса, чақалоқлар учун зарур

Абдуқаҳдор ИВРОҲИМОВ

• Ёзувчи мулоҳазаси

САМАРАЛИ ИДОРА УСУЛИ

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши ўн иккинчи чақириқ учинчи сессиясида жумҳуриятимиз сиёсий ҳаётида катта воқеа юз берди — «Ўзбекистон ССЖда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини тақомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССЖ Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Президентлик ҳокимияти билан Вазирлар Кенгашининг ижроия-бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилди. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Ўзбекистон ССЖ Президенти аяни бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлди. Ўзбекистон ССЖ Президентининг ва Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг аппарати Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги битта аппаратга бириштиришга қарор қилинди.

Менинг фикримча, гарчи бу тадбир 1990 йилнинг 1 ноябрда расмийлаштирилган бўлса-да, аслида бундай бошқарув системаси шу йилнинг эрта кўнламида Ўз-

бекистон ССЖда президент бошқаруви жорий этилгандаёқ вужудга келганди. Бу билан айтмоқчиманки, Ўзбекистонда Президентлик ҳокимияти билан Вазирлар Кенгашининг ижроия-бошқаруви ҳокимияти эгизак тарзда таваллуд топди. Бу фикримни Президентимиз чиқарган болалар ва оналар ҳимоясига оид, халқ маъмуричилигига доир фармонлар ва улар ижросининг аяни бир пайтда Президент ҳокимиятига қанчалик тегишли бўлса, Вазирлар Кенгашининг ижроия-бошқарув ҳокимиятига ҳам шунчалик тааллуқли экани исботлайди. Яна шунини ҳам таъкидлаш жоизки, ўша халқчил фармонлар кўпроқ Вазирлар Кенгашининг ижроия-бошқарув ҳокимияти зиммасидаги вазирларга дахлдор эди. Хуллас, Президентлик ҳокимияти билан Вазирлар Кенгашининг ижроия-бошқарув ҳокимиятининг қўшиб юборилишига замин аввал бошдан оқ яратилганди, эндиликда эса ана шу ҳаётий ҳодиса расмийлаштирилди. Ўзбекистон ССЖда президент бошқаруви жорий этилганидан бошлабқў Ўзбекистон ССЖ Президентининг ва

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг аппаратлари табиий равишда бири-бирига бошлаган эди, энди эса орадаги тўсиқ қонуан бар-тароф этилди.

Умуман олганда, Туркистонда, туркий халқлар давлатчилигида давлат ҳокимияти билан ижроия-бошқарув ҳокимияти азалдан туташ бўлиб келган, туркий халқлар табиатан адолатли якка раҳбар бошқарадиган давлат ҳокимиятини маъқул кўрадилар. Олис ва яқин тарихимиздан бу фикрни тасдиқловчи кўплаб далиллар келтиришим мумкин. Энг яққол мисол Амир Темур Кўрагоний фаолиятидир. У ўз салтанатини ўрнатгач, биринчи навбатда ижроия-бошқарув ҳокимиятига асосий эътиборни қаратади, ижро билан шахсан ўзи шугулланади, турклашган мўғул ўғлонлардан бири Султон Маҳмудни расман ҳоқон қилиб кўтаради, ўзи эса амир унвоми билан чекланади. Анқара ёнидаги буюк жангда Йилдирим Баязидни асир олган ҳам ўша Султон Маҳмуддир. Кейин у ўз ажалли билан вафот этгач, Амир Темур ҳоқонлик вазифасини ҳам ўзи ўтай бошлади. Бироқ Темур фаолиятида ижроия ҳокимият соҳиблиги етакчилик қилган.

Амир Темур тузган улкан давлатнинг меросхўри ва давомчиси Шохруҳ Мирзо ҳукмронлигининг

биринчи босқичида ҳам унинг фаолиятида ижроия-бошқарув ишларига бош-қош бўлганини кўра-миш. Бу даврда Ҳиротда Девони Олийга, яъни ҳозирги ёбора билан айтсан, Вазирлар Маҳкамасига унинг сеvimли ўғли, шоир ва олим, буюк давлат арбоби Бойсунқур Мирзо бошчилик қилади. Ана ўша кезларда Ҳиротда ва бошқа шаҳарларда тақорланмас осоратчиқалар қурилади. «Зафарнома» сингари назирий йўқ китоблар битилади. Бобур, Маҳмуд Ғазнавий, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Абдуллахон Иккинчи, Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи (Феруз), Амир Шохмурод каби ҳукмдорлар фаолиятида ҳам ижроия-бошқарув ишларига шахсан раҳбарлик қилишни кўришимиз мумкин. Ҳатто Муҳаммад Алихон (Нодирбеғимнинг ўғли)нинг ижроия-бошқарув ишига бевосита раҳбарлик қилиши Қўқон давлатини то тухматга учрагунга қадар мустаҳкамлаган эди.

Хуллас, жумҳуриятимизда Президент ҳокимияти билан ижроия-бошқарув аппаратининг бириштирилиши халқимиз турмуши тарзига мос, анъаналаримизга монанд ва тарихан ўзини оқлаган ҳокимият туридир. 1 ноябрдан бошлаб жорий этилган идора усулимиз самара ва барака келтургусидир.



ТАЛВАСАГА

ТУШГАН МАРКАЗ

Туркистон мухториятининг эълон қилиниши ўлка пахтаси, пилла-ю, қорақўли, тилла-ю ва бошқа табиий бойликларига ўрнаб қолган метрополия маркази — Петроград ва Москвани талвасага солди. Вақтли ҳукумат раиси эсер Керенский «Тошкентдаги бандитларни» яъни Тошкент Советини ва қўзғолон кўтарган мусулмонларнинг танобини тортиш учун генерал Коровиченко бошлиқ жазо экспедициясини Туркистонга жўнатди. Бу иш билан марказ ошқоралик, демократия ва ҳуррият марказининг иқтисодий манфаатлари олдида қуруқ бир сафсата эканлигини рўй-рост тасдиқлади. Бундан газабланган рус ва мусулмон демократик ташкилотлари оммани қаршилик кўрсатишга чақирди. Тошкентда ялли иш ташлаш бошланди.

Ана шундай шароитда 1917 йил 24 сентябрда жазо экспедицияси Тошкентга кириб келди. Олтин аскарлар, тўпнар, броневиклар жойлашган вагонлардан 10 таси рус ишчилари, солдатларига қарши мўлжалланган бўлса, унинг орқасидан келаётган 39 вагондаги қўшин эса мусулмон аҳолиси қўзғолонини бостиришга мўлжалланган эди. Мустаҳкам ва темирқўл ҳокимиятини қўсаган йирик буржуазия, дворянлар, собиқ амалдорлар генерал Коровиченко ни гуллар билан кутиб олдилар. Генерал ишни Тошкентда ҳарбий ҳолатни ўрнатиб ва дўқ-пўнислардан иборат буйруқлар чиқаришдан бошлади. Аммо Коровиченко чучварани хом санаган эди. Иш ташлаш тўхтамади, буйруқлар бажарилмади. Бунинг устига жазо экспедициясининг зарбдор кучи бўлиши Пенза отлицлар бригадаси солдатлари ўзларини Тошкент Совети билан бирдам эканликларини ва фақат шу Тошкент Совети руҳсатисиз генералнинг буйруқларини бажармасликларини очикдан-очик айтишди.

Вақтли ҳукумат бош комиссари, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонни Коровиченко ана шундагина Тошкентда қандай қўдратли кучга дуч келганини тушунди. Рус ва мусулмон демократияси уюшган ҳолда марказга қарши турар эди. Коровиченко ана шу кучни бўлиб ташлаган тақдирдагина мақсадини амалга ошириши мумкинлигига кўзи етди. Шу мақсадда у руслар ва мусулмон аҳолисини ўзаро уруштириш, бир-бирига гиж-гялаш соҳасида бой тажриба орттирган собиқ Закаспий орти вилоти комиссари граф Георгий Доррерни Туркистон қўмитаси раиси ва ўзининг граждан ишлари бўйича муовини қилиб тайинлади.

Итвозгарлик бобда устаси фанранг граф Доррер енг шимариб

(Давоми. Боши рўзноманинг 7 ноябрь сонид).

ишга киришди ва маккорона режа тузди. У ҳозирча Тошкент Совети билан битим тузиш, сўнг эса инқилобий қайфиятдаги солдатларни армиядан бўшатиб, қўролсизлаштириш, рус ишчилари билан мусулмон ишчиларини бир-бирига қарши қўйиб, энелилар ўртасига нифоқ ташлаш чораларини кўришга Коровиченкони қўндирди.

3 октябрда ана шундай битим имзолангандан сўнг иш ташлаш тўхтаб шаҳардаги ҳарбий ҳолат ҳам бекор қилинди. Ҳар икки томон — Вақтли ҳукумат ва Тошкент Совети ўзаро келишиб иш-лашга қарор қилишган бўлса ҳам бу вақтинчалик мурося эди. Икки

қозоқ, қирғиз, туркман йигитлари бўлиб улар барчага тушунарли бўлиши учун ҳамда бу ерда уларни хавотирлик билан қўзатаётган руслар ҳам тушунини учун қурултойни рус тилида олиб боришга қарор қилишди.

Турли миллат, турли тоифа, маслаҳ, турли сиёсий фирқаларга мансуб нотиқлар маърузаларга қисқа ва лўнда эди. Улар орасида «Шўро ислон», «Турон» жамиятлари вакилларини ҳам, большевик, меньшевик, эсер, кадетлар фирқалари аъзоларини ҳам кўриш мумкин эди. Аммо ҳаммасини бир мақсад бирлаштирган эди. Туркистон ва Қозғонистон мусулмонлари қурултойни қабул қилган

лоқларида қимматчилик, озиқ-овқат танқислиги, чайқовчилик ниҳоят кўчабой жойларда очарчилик бошлади. Озиқ-овқат танқислиги иқтисодий соҳадан сиёсий масалага айланиб кетди.

Вақтли ҳукумат тангликдан чиқиш чораларини кўрмади, қуруқ ваъдалардан нарига ўтмади. Ишчи, солдат, деҳқон мусулмон депутатлар Советлари эса кең меҳнаткашлар оммасининг оғир аҳволини енгиллатиш учун ўртага кескин талабларни қўя бошлади. Советларнинг ишлаб чиқариш устидан, маҳсулот тақсимлаш устидан назорат ўрнатиб, бойлар ихтиёридаги озиқ-овқат захираларини мусодара қилиш каби талаблари мулдорлар билан камбағаллар ўртасида табақаланиш жараёнини тезлаштирди.

Жадидлар икки ўт, икки баррикада ўртасида қолишди. Туркистон мустақиллиги учун курашчилар бой-камбағалларни бир байроқ остида бирлаштиришга чақириб, иқтисодий масалани атайин четта суришга мажбур эдилар. Чунки бу ҳолда мусулмонлар ўртасида бирлик йўқолишидан чўчиладилар. Аммо ўлкадаги иқтисодий танглик ўз кучини тобора зўрроқ кўрсата бошлади. Бу ўринда ишчиларнинг Тошкент Советига юборган талабномасидаги фикрлар диққатга лойиқ:

«Ҳар куни мисли қўрилмаган даражада кўтарилиб кетаётган озиқ-овқат ва кундалик харид моллари нархлари бизни, оламизни бўғзимиздан олмоқда, — ёшишгани ишчилар. — Даҳшатли офат — очлик сабр-қосамизни тўлдирдики, эндиликда ғазабимизни тўхта олмай жиний чайқовчилик устидан ўзимиз чора кўришга мажбурмиз. Сурбет жинийларга — чайқовчилар бизни исканжарга олиб сўнгги кучларимизни сўриб олмоқда, оч болаларимиз фарёди юрак-бағриларимизни вайрон қилапти.

Бизга маошимизни ошириш керак эмас. Биз дарҳол қабих чайқовчиликни таг-томир билан қўпориб ташлаб, барча озиқ-овқат ва кундалик харид молларига инфоли нарх ўрнатилишини талаб қилмаиз, асқ ҳолда эса барча оғли фуқаролар қўрқатган ҳодиса юз беради, яъни ўлимни ҳам писанд қилмайдиган очлар қўзғолони муқаррар».

Ана шу талабнома юз минг кишилик Эски шаҳар меҳнат аҳлининг ҳам нолиси эди. Шунинг учун ҳам бу нола эшитилмагач, 5 кундан сўнг бошланган қўролли қўзғолонда — Тошкентдаги Октябрь қўролли қўзғолонда ўзбеклар қўлга қўрол олиб ҳар икки баррикададан жой олши табиий ҳол эди. Иқтисодий танглик барча мусулмон аҳлини синфий жанг домига тортиб кетди.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари номзоди.



**ТОШКЕНТ
ИНҚИЛОБ
АРАФАСИДА**

ҳокимиятчилик узоқ давом этиши мумкин эмас эди.

Рус демократияси билан боғланган, социал-демократлар ва социалистик-революционерлар билан ҳамкорлик қилган тараққиёт-парвар мусулмон энелилари, — жадидлар ва уламолар Туркистон мустақиллиги учун курашда бу ҳар икки томондан фойдаланишга интилишди. Бу соҳада қўролли кучлар сафидаги мусулмон солдат ва офицерлар уларга таянч бўлиши лозим эди. Жадидларнинг умиди Тошкент гарнизонидаги 1-2 Сибирь полкидан эди.

Тошкент Советини ҳўмос қилган, инқилобий руҳи балайд бу икки Сибирь полкидаги мусулмонлар алоҳида роталарга ажраб чиқиш ҳақида қўмондонликка талаб қўйдилар. Коровиченко дастлаб бу таклифга қўнди, лекин ишни пайсалга солаверди.

Тошкентдаги мусулмон ташкилотлари маслаҳати билан 1-2 Сибирь полклари солдатлари 1917 йил 16 октябрда бошлиқлари руҳсатини кутмай алоҳида мусулмон роталарига ажралиб чиқишди. Шу тариқа Тошкент гарнизонида мустақил 2 та мусулмон роталари ташкил топди.

**МУСУЛМОН
ҚЎШИНЛАРИ
ҚУРУЛТОЙИ**

1917 йил 17 октябрда собиқ генерал-губернатор қароргоҳи «Оқ уй»ни мусулмон солдат ва офицерлари қўришаб олди. Улар мустақиллик тимсоли — 50 йилдан бери ўлкани зулукдек сўриб халқни қон-қақшатган оқ подшонинг ноиблари уясини эгаллаб Туркистонда ким чинакам хўжайин эканлигини намоиш қилдилар. Улар худди шу муҳташам бинода Туркистон миллий қўшини қурултойини ўтказишга қарор қилишди.

Қурултой соат 3 да ўз ишнини бошлади. Мусулмон солдат ва офицерлари орасида татар, ўзбек,

Туркистон мухториятини тузиш учун хизмат қилувчи Туркистон миллий қўролли кучларини барпо этиш ана шу бош мақсад эди.

Қурултой қўйдиган қарорларни қабул қилди.

1. Мусулмон роталарини Туркистон ҳарбий округи қўшинларидан ажратиб олиб, мусулмон батальонини тузиш.
2. Таъсис мажлисига сайловларда мусулмон солдатлари илгор мусулмон ёшлари (жадидлар) рўйхати учун овоз бериш; мабодо бундай рўйхат бўлмаса турли миллатларга мансуб вакиллардан иборат социалистлар рўйхатига овоз бериш.
3. Тошкент марказий ҳарбий кенгашини тузиш.

Туркистон мусулмон қўшинлари қурултойи 1917 йил 26 октябрда марказий ҳарбий кенгаш аъзоларини сайлади. Солдатлар ўртасида таниқли ва обрўли солдат ва офицерлардан Давлат Мирзаев, Муса Ончурин, Абдулла Ончурин, прапорщик Ончурин, Собиржон Юсупов, Мирсиёф Оқалаев, Ризотдин Шокиров, Гариф Клиблиев, Карим Бурнашев шулар жумласидан эди. Улардан кўпчилиги Октябрь инқилобидан сўнг Совет ҳокимиятининг таниқли арбоблари бўлиб етишди. Гариф Клиблиев Туркистон жумҳурияти ҳарбий комиссари, Собиржон Юсупов жумҳуриятининг Москвадаги мухтор вакили сифатида танилади.

Қурултой ўз ишини 26 октябрда якуллади. Тошкентда Октябрь инқилобини бошлайдиган қўролли қўзғолонга икки кун қолган эди.

**ИККИ
БАРРИКАДА
ЎРТАСИДА**

1917 йил октябр ойида ўлкада вазият мураккаб тус олди. Ўлкага марказдан пахта эвазига олинмаган дон миқдори кескин камайди. Туркистон шаҳар ва қиш



• МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ—ВОЙЛИГИМИЗ •



институтининг кафедра мудири, профессор Ҳамид Нейматов, Гафур Гулом номлидаги адабиёт ва санъат нашриятининг директори Бобоход Шарипов, ёзувчи ва шоирлардан Е. Бөрвезиков, Тоҳир Қаҳдор, Орашкул Эргашев, Баҳром Гойиб, пойтахтимиздаги Ясавий номли маҳалла кўмитасининг раиси М. Расулмухамедовлар бор эди.

Ясавий ҳаёти ва ижодига бағишланган давра суҳбати қатнашчилари дастлаб Чимкентга тўпланишди. Бу ердан Ясавийнинг пири — Арслонбоб мақбарасини зиёрат этиш ниятида Қизилқум ноҳиясининг Шовилдер қўрғони сари йўлга тушдилар. Ноҳия ҳудудида қизилқумликлар меҳмонларни чексиз иззат-ҳурмат, нон-туз, уйин-куйини ва гуллар билан кутиб олишди. Дўмбира жўрлигида қозоқ ўнларча айитли, халқ бахшлари ижросида айтишувлар авжа чиқди. Қозоқ халқининг ўзига хос урф-одатлари, очиқ кўнгиллиги ва меҳмондўстлиги ҳаммамизни, айниқса, чет элликларни бениҳоя қувонтириб юборди.

Айтишларича, Ясавий 1103 йилда Сайрамда туғилган. Унинг отаси шайх Иброҳим ибн Маҳмуд, онасининг исми Қорасоч бўлган. Улар Сайрамга дафн этилган. Аҳмаднинг илк маънавий устози ва тарбиячиси шайх Арслонбобдир. Ривоятларга қараганда, Мухаммад пайгамбар вафоти арафасида халқни тўлаб: «Мен бандаликни бажо келтирялман, энди омонат — ислом рамзини (у ҳурмо данаги) ким қабул қилиб олиб, менинг гоғларимни давом эттирадими?», деб сўраган экан. Шунда оломон орасидан 300 ёшдаги нотаниш бир киши — Арслонбоб (Салмони Форс) чиқибди. Унинг хоҳиш—истагини эшитган Мухаммад Оллоҳ билан маслаҳатлашиш учун унинг олдига келиб, тангрининг розилиги билан омонатин Арслонбобга топширган экан... Орадан беш аср ўтган, Арслонбоб дашту чўл оралаб бораётган ўн бир ёшли болакайга дуч келибди. У шайхга қараб шундай мурожаат қилибди: «Оқсоқол, менинг омонатини беринг...» Бу бола — Аҳмад бўлган экан. Бу ривоят, албатта. Бироқ ривоятларда халқларнинг эзгу орзу-умидлари қаторида тарихий ҳақиқатлар ҳам акс этади. Зеро, шу босқандан муслмон дунёсида Аҳмад Ясавий Мухаммад пайгамбардан кейинги улуғ шахс, Туркистон эса Кичик Макка ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқ тилида «Мединада Мухаммад, Туркистонда Ҳўжа Аҳмад» деган ибора кенг тарқалган. Мазлумотларга қараганда, Амир Темур ҳам Арслонбобни энг катта боб (яъни шайх) сифатида эътироф этган. Меҳмонлар Арслонбоб мақбараси билан танишиш жараёнида юқоридаги сингари халқ ривоятлари ва афсоналарини эшитиб, чексиз ҳаяжон ва ҳайратга тушибди. Мақбарани келгуси авлодларга етказиш учун муҳофиза ва таъмирлаш ишлари билан қизқидилар. Ҳатто улар имкони борича моддий даражада беришга ҳам тайёр эканликларини билдирдилар.

Сўнгра Уттор ҳаробалари билан танишилди. Мазлумки, бу шаҳар мўеул босқинчиларига мардонвор қарши туриб, маълум муддат ўтган, чоқночор таслим бўлган. Ҳозир бу ерда қозоқ археологлари тадқиқот ишлари олиб боришаётир. Улар Амир Темур кўрсатмаси билан бунёд этилган маънавий қўрғонини очибди. Мазлумотларга қараганда, у 1405 йилда Хитойга юриш қилиш арафасида Утторда вафот этган. Бу ерда жамғармасининг миқдори жиҳатидан фақат Бағдоддан кейин турувчи кутубхона бўлган. Археологлар ҳаробаларини ўрганиш оқибатида кўнча китоблар, нон, тарих Хитой чининси, Хиндистондан келтирилган қимматбаҳо буюмлар топилган. Меҳмонларнинг бу ердан олган таассуротлари

Шовилдер қўрғонидеги Уттор музейи экспонатларини томоша қилиш билан янада бойиди. Музей олдидеги майдонга Абу Носир Мухаммад ал-Форобийнинг бости ўрнатилган. Бу ердан ноб археологик топилмалар туркий халқларнинг тарихи ва маданияти жуда қадимдан бойлиги, улар ўз озодликларини босқинчилардан мардонвор ҳимоя қилиб келганлигидан далolat беради.

Аҳмад Ясавий Арслонбоб вафот этган, Бухорода тасавуф назариясига сифатида муслмон дунёсига танилган шайх Ҳўжа Юсуф Ҳамадоний (1049—1140) қўлида таҳсил олади. «Девони ҳикмат»да Ясавий бу пайтда ўзининг 27 ёшда бўлганлигини қайд этади. У Ҳамадонийнинг тўнғич шогирдлари — Абдулла Барқий, Ҳўжа Ҳасан Андоқийдан сўнг Бухородеги муқаддас хонаҳорда раис бўлади. Бироқ кўп ўтмай, бу шарафли вазифани Абдуҳалиқ, Гиждувонийга топшириб, ўз шаҳри Ясси, яъни Туркистонга келади ва то умрининг охиригача шу ерда шайхлик қилади. Халқ орасида ўз фаолияти ҳамда ҳикматлари билан ислом таълимотини, аниқроғи, тасавуф фалсафасини тарғиб этади. Оддий кишиларда

Меҳмонлар Туркистон шаҳар партия кўмитасида қабул қилинди. Кўмитанинг биринчи котиби, шаҳар Советининг раиси Н. Болқиева Туркистоннинг ўтмиши ва бугунги ҳаёти, тарихий меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш, саёхатчиларга замонавий шарт-шароитлар яратишда дуч келинётган муаммоларга тўхталиб ва Ясавий мақбараси комплексини келгуси авлодларга сақлаб қолишга ҳамма баб-баравар ҳисса қўшиши лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг меъморчилик комплекси билан танишува бошланди. У XIV асда — 1394—1395 йилларда Амир Темур томонидан қайта қурилган. Мазлумотларга қараганда, Буюк жаҳонгир бўламак мақбара лойиҳасини яратишда шахсан иштирок этган, меъмор ва қурувчиларга аниқ кўрсатма ва йўл-йўриқлар берган. Мақбара ўз улугворлиги жиҳатидан Самарқанддаги Библиконим, Шахрисабздаги Оқсарой ёдгорликларидан қолшимайди. Мазлумотларга қараганда, XVI—XIX асрларда бу ер қозоқ хонларининг ҳам қароргоҳи бўлган. 1864 йилда эса Туркистон эяллати пайтда чор аскарлари генерал Черняев буйруғи билан Ясавий мақбарасига эширилган шаҳар ҳимоячиларини ўқитишган. Уша пайтда мақбаранинг бир қанча жойлари шикаст топан.

Ясавий мақбараси ўз вақтида маънавий вазифасини ҳам бажарган. Бу ерда кутубхона бўлган. Би-



шақл-шамойили ва улугворлиги билан сақлаб қолишга бутун куч-ғайратларини сафарбар қилдилар. Айни кунларда амалга ошириляётган таъмирлаш ишлари ҳам бундан ажқол далolat беради.

Ҳўжа Аҳмад Ясавийнинг «Мазлумотлари»

Ясавийнинг гўзал шэърлари жуда катта эътибор қозонади, секин-аста унинг ҳикматларини Қипчоқ даштларидан ҳам олисларда ёд ўқий бошлайдилар. Шоирнинг шон-шухрати йилдан-йилга ошиб боради. У ўз ҳикматларида, ясавийшунос олим И. Ҳаққулов таъкидлаганидек, «Ҳақ ишида ёнган, кўнгли азобга тўла, азобларида Узлигига қайтгувчи, ўзлигига қайтган сайн нуқсонсиз ва олий мавжудотликка интиладиган чинакам ошиқ» сифатида намоён бўлади. Маърифатли ота-боболаримизнинг оғзидан тушмай келаётган мана бу кўйма сатрларга бир диққат қилинг-а!

Бешак билинг, бу дунё борча элдин ўтаро,
Инонамағил молингга бир кун қўйдин кетаро.
От-она, қариндош қаён кетди, фикр қил,
Тўрт аёлиқ чўбин от бир кун санга етаро.
Дунё учун гам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.
Аҳли аёл қариндош, ҳеч ким бўлмайду
йўлдош,
Мардона бўл гариб бош, умринг елдек ўтаро.
Қўл Ҳожа Аҳмад тоат қил, умринг билмом
неча йил,
Аслинг билсанг обу гил, яна гилга кетаро.

Шоир илгари сурган гоғлар, ҳикматларининг назокатли тили, ифода санъати, қолаверса, панд-ўғитлар бугунги куннинг қувонч ва ташвишлари билан ҳам шу қадар муштаракки, назаримизда, Ясавий ҳануз кишилар билан юзма-юз мулоқот қилиб тургандай туюлади...

нонинг ичкарасига киргач, улкан дошқозонга кўнглингиз тушади. Олтимиш пақир сув сифатидан, икки тонна оғирлиқдаги бу бронза қозони Амир Темур тортиқ қилган. У Қарноқ қишлоғида уста Абдулазиз томонидан қўйилган. Қозонда сув муқаддас ҳисобланиб, жума намозидан сўнг кишиларга тарқатилган. 1934 йилда у Ленинграддаги Эрмитажда намоён шикли учун олиб кетилган. Маҳаллий халқнинг талаб ва истаклари билан шу йилнинг бошларида у ўз жойига қайтарилди.

Мақбара жами 35 хонадан иборат бўлиб, ҳозир уларнинг 8 тасинга эиэратчилар учун очилган, қолганлари таъмирланмоқда. Улардан бирида XIV асрда қазилган қудуқ бор, сувни шифобахш бўлиб, айтишларича, шу пайтгача қурғоқчилик йилларида ҳам қуримаган. Меҳмонлар Аҳмад Ясавий қабрини зўр ҳаяжон билан томоша қилиш олдидан Қўрғон оятларидан тиловат қилдилар. Сўнгра улар бу улуг инсон руҳи кезиб юрган хонани оғир сукут оғушида айланиб ўтиб, қўллари билан сағана тошини оҳиста силаб-сыйлаб, кўзларига суртишди. Шайхнинг қабр тоши — қимматбаҳо нефритни Амир Темур Ҳиндистондан олиб келтирган. Шунингдек, мақбаранинг кўшни бўлинмаларига қозоқ хонлари ва хонзодалари, уларнинг уруғ-аймоқлари ҳам дафн этилган. Каттаон ички сағана тошларига уларнинг исм-шарифлари, таваллуғ ва вафоти саналари битилган.

Ясавий ўз оиласи билан яшаган «Хилват маъна» ва у 63 ёшида, яъни Мухаммад пайгамбар ёшига етган узоқ вақтга чекинган артула мақбаранинг шундоқ ёнғинасида. Меҳмонлар бу табаррук қадамжолар билан ақдан танишиб, шайхнинг ҳаётига оид қизиқарли мазлумотлардан баҳраманд бўлдилар. Шуниси диққатга сазоворки, Туркистон халқи Аҳмад Ясавий фаолияти билан боғлиқ муқаддас жойларни уларни дастлабки

Куннинг ярмида меҳмонлар Саврон қалъаси қоробелари билан танишиш, у ерда Туркистон ноҳияси меҳнатқўшлари билан учрашиш учун йўл олдилар. Бу қалъа VI—XV асрларда обод шаҳарлардан бири эди. У Оқ Урданинг маркази бўлган, шаҳарга қоризлар орқали ичкилик суви келтирилган. Қалъа атрофи катта ариқ билан ўраб олинган, бир неча дарвозалари бўлган. Афсуски эндиликда шаҳардан кўнча деворлар қолган, холос.

Кентодеги «Горняк» маданият саройида давра суҳбати уч кун давом этди. Меҳмонларни Қозоғистон ҳукумати номидан Вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари К. Укирбоева самимий табриқлади. Дастлабки мажлис Қозоғистон Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Ж. Абдильдин раислигида ўтди.

Филология фанлари доктори Е. Қажибоев меҳмонлардан марҳум ўзбек ясавийшуноси Эргаш Рустамов хотирасини эслашларини илтимос қилганда бениҳоя ҳаяжонланиб кетди, чунки биз сафарга отланиш олдидан бу улуг инсонни қайта-қайта эслаб, ҳозир у тирик бўлганида қандай аҳволга тушибди тасавурига сиздир олмаганди. Бокис, у турғунлик йилларида Ясавий тўғрисида ижобий фикр билдиргани учун таъзиққа учраган, оқибатда ақдан озиб, оғир аҳволда ҳаётдан кўз юмган инсондир. Давра суҳбати қатнашчилари ўзбек олим хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олиш билан эзгу ишлар ҳеч қачон унутилмаслигини таъкидладилар. Шундан сўнг Истамбул дорилфунуни турколог кафедрасининг мудири, профессор Кемал Ераслан «Ҳақдон маданияти ва Ясавий адабий мероси» мавзусида мазруъа қилди.

Анжуманининг кейинги мажлисларида СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, совет

туркологлари кўмитасининг раиси А. Р. Тенишчев, Страсбург дорилфунунининг туркология кафедраси мудири, профессор Иренхонин Меликоф (Франция), Индияда дорилфунуни туркологик тадқиқотлар институтининг директори, профессор Илхан Бошқўз, Истамбулдаги Маъмар дорилфунунининг илмий ходими, доктор Мустафо Тахрилла, «Турк маданияти» ономасининг маъсум котиби, профессор Аҳмад Биджон Ержиқлисин, Истамбул дорилфунунининг илмий ходими, турк дунёсини тадқиқ этиш жамғармасининг чет мамлакатлар билан алоқалар бўйича бош директор ўринбосари Халия Очиққўз, ленинградлик таълиқ турколог А. Шербёк, Вискон дорилфунунининг Марказий Осн бўйича халқаро тадқиқотлар марказининг президенти Кемал Карпат (АҚШ), совет туркологлари кўмитаси раисининг халқаро масалалар бўйича раис ўринбосари Т. Меликов (Москва), қозоқ ясавийшуносларидан М. Жармухамедов, К. Мусавев, Ўзбекистондан Б. Қосимов, Ҳ. Нейматов, М. Али, Т. Қаҳдор ва бошқа олимлар мазруъа қилдилар. Бу мазруъаларда Ясавийнинг ҳаёти ва ижодига оид қизиқарли мазлумотлар келтирилди, унинг асраб қолingan асарлари, «Девони ҳикматининг тили ва образлари, шоирнинг фалсафасини дивом эттирган издошлари ва зуредлари хусусида гоёт фойдали фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Давра суҳбати қатнашчилари қабул қилган ҳужжатда Аҳмад Ясавийнинг 1993 йилда кенг ишониланадиган 890 йиллигига ҳозирдан пухта тарадду қўриш, унинг асосий асарлари матнини илмий изоҳ ва факсимиле билан чоп этиш, мақбараси қошида илмий кутубхона ташкил қилиш, таъмирлаш ишларини ЮНЕСКО назоратида олиш, навбатдаги халқаро илмий анжумани келгуси йил Туркияда ўтказиш сингари тадбирлар белгиланди. Бу тадбирларга бошчилик қилиш учун халқаро Ясавий кўмитаси тўзилди. Етти кишилик бу кўмитага Ўзбекистондан Б. Қосимов сайланди. Биз давра суҳбати қатнашчиларидан уларнинг анжумандан олган дастлабки таассуротлари билан ўртоқлашишларини илтимос қилдик.

— Аҳмад Ясавий — турк дунёсида ҳурмат-эътибори энг баландда турган Буюк сиймодир,— дейди туркиялик олим Кемал Ераслан.— Мен унинг қадамжоларини илк бор эиэрат қилганимдан бехад бахтирман. Бундан 8—9 аср муқаддам яратилган унинг гўзал ҳикматларини мурндам ёд олиб, бутун дунёга бийдилар. Ҳаёти тўғрисида ҳам турли хил ривоят ва афсоналар тарқалди. У тарихий шахсдан кўра афсонавий шахсга айланган. Эндиликда олимлар олдида унинг ижодини илмий таҳлил этиш вазифаси турибди. Ясавий тариқати энг юксак ахлоқий тушунчаларга таянган тариқатдир. Инсонлар унинг ажойиб ҳикматларини ҳамиша эъзозлашмаклар ва ундан фойдаланамаклар...

— Ясавий ҳазратларининг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган бу илмий анжуманда жуда кўп нарсаларни галлашиб олдик,— дейди СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, совет туркология кўмитасининг раиси А. Р. Тенишчев.— Биз бу улуг инсоннинг пири Арслонбоб ва ўзининг қабрини эиэрат этиш, руҳан покландик. Мен бу ерларга бундан ўн йил аввал келганим. Очигини айтишим керакки, турган вақт ичида моддий таъминот етчимаслиги тўғрисида таъмирлаш ишларида юз берган ўзгаришлар жуда оз. Шунинг учун биз Ясавийга иззат-эҳтироми баланд бўлган бутун дунё олимларининг куч-ғайратини билдиришимиз, бу тарихий-меъморчилик ёдгорликларини қайта тиклаш учун маблағ топишишга, бу ерда илмий-тадқиқот институтини ташкил қилишимиз лозим. Шундангина биз Ясавий ижодини ҳар томонлама пухта ўрганиш имкониятига эга бўламиз. Бу борада ўзбек олимлари ҳам жуда кўп иш қилишлари мумкин. Негаки, Ясавий асарларининг тили эски ўзбек тилига жуда ҳам яқин.

Яна шуну айтиш керакки, ўрта асрларда Ясавийга ўхшаш доғинидам шоирлар жуда кам бўлган. Унинг адабий мероси бутун муслмон дунёсининг маънавий мулкидир. Қолаверса, унинг асарларидан бошқа халқлар ҳам баҳраманд бўлишлари лозим.

— Шундай воқеалар бўладики, улар инсон қалбида ҳам қувонч, ҳам таассуф уйғотади,— дейди бурхорлик профессор Ҳ. Нейматов.— «Ясавий олами» мавзусида ўтказилган баймаълум давра суҳбати мен учун шундай ҳодисалардан бири бўлди. Севинганимнинг бокис — Ясавий бизнинг ватандошимиз, у Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан таълим олгани, унинг вориси сифатида шайхлик қилганлиги бўлса, ранжиганим — Ясавий ижодини ўрганиш, унинг асарларини чоп этиш ва тарғиб қилиш соҳасида биз Туркияни қўя туринг, ҳатто Америка ва Франция олимларидан ҳам орқада қолиб кетганимизни ўз кўзим билан кўрдим. Агар биз Эргаш Рустамовни Ясавийга бағишлаб ёзилган ва 1972 йилда эълон қилинган мақоласи учун таъзиқ қилганимизда, унинг кинихонага тушиб, ўша ерда вафот этишига маж-

бур этмаганимизда биз ҳам чет эллик олимлар қаторида кўпгина китоб ва мақолаларимизни Ясавий музейига тўхфа этган бўлармидик! Бошқача айтганда, жаҳон олимлари олдида юзимиз бу қадар шувут бўлмасмиди!

Ўзбеким, имиллама, кўзингни оч, дегим келади. Аҳмад Ясавий сингари Буюклар қаторида турадиган Имом Мухаммад Газолий, Имом Ҳафиз Кобир, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳалиқ Гиждувоний, Нақшиддин Кубро, Турки Жананий, Бақовулдин Нақшбандий, Убайдулло Ҳўжа Аҳрор каби жаҳонга машҳур юзлаб фарзандларинг бор. Ҳали бу фозилларнинг муборак зотикини тавоф этиш учун жаҳонийнинг ҳамма бурчаларидан кишилар келади. Шунда бу машҳур ўғлонларининг руҳи ҳурмати меҳмонлар олдида юзинг шувут бўлиб қолмас.



— Тасавуф адабиётидан, биринчи навбатда, Аҳмад Ясавий меросидан узилишимиз сўнгги етмиш йилдаги энг катта маънавий йўқолишимиз бўлди,— дейди профессор Б. Қосимов.— Маданият ҳодисаларига синдий-партиявий ёндашиш, вульгар социология адабиётимизнинг жон томирларидан бири бўлган тасавуфий маданий меросимиздан суриб чиқишга олиб келди. Натикда бугунги ўзбек ўқувчиси билан Буюк мутасавуф шоиримиз ўртасида ўтиб бўлмас чоғ майдонга келди.

Замон ўзгариб, энди Ясавий ижодини Шарқ фалсафаси, эстетик тедфуқури контекстида текшира оладиган мутахассислар пайдо бўлапти. Бу борада ўзбек ясавийшунослигида қилинадиган ишлар ҳаммаси олдинда. Энг биринчиси, Ясавий ҳикматларининг локал энг мўтабар қўлёзма ва босма нусхаларини тўплаш ҳамда эспини аниқлаш лозим. Умидворимизки, жаҳон туркологлари билан ҳамкорликда бу манбалар ва ҳикматлар матни ўзбек адабиётшунослигига ҳам етиб келади ва улар ясавийшунослигимизда муҳим саҳифа очеди...

Олимларнинг бу фикр-мулоҳазаларига қўшилган ҳолда кишида бир умид туғилди. Жаҳониятимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар бизга ўзлигимизни яхшироқ таниб олиш, маънавий қадриятларимизни тиклаш, унутулган кетмаган аъёнлар ва урф-одатларимизни халқимизнинг ўзига қайтартиш учун қулай имкониятлар бермоқда. Шу босқандан зиммамизга юклатилган фарзандлик бурчимиз ва эл-юрт олдидаги улкан вазифаларимизни кўнгилдагидек бажаришимизда бизга улуг бобомиз — Ҳўжа Аҳмад Ясавий руҳи ҳаммиса маддакор бўлсин!

Рустам ҒАНИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири,
рўзнома адабиёт ва санъат бўлимининг мудири.


● СУРАТЛАРДА: халқаро давра суҳбати қатнашчилари Ясавий қадамжоларини эиэрат қилишмоқда.
Суратлаш А. ҲАЗМЕТОВ.



Ҳўжа Аҳмад Ясавий... Биз бу улуг инсоннинг ҳаёти ва ижоди борасида нималарни биламиз? Унинг ҳикматлари мактаб дарсликларига киритилмаган, илмгоҳларда бизга шоир диний-дестик, яъни реакцион адабиёт намоилдаси деб сабоқ беришган. Лекин у нега реакцион эканлигини устозларимиз бизга аниқроқ қилиб тушунтиришмаган.

Ҳе, энди замон ўзгарди. Ҳар қандай динге, шу югуладики, исломга ҳам муносабат ахшиланиб, ўзбеклар бугунги кунда «Қўрғонни қаримини она гилларида мутулаб қилиш, эски алифбони ўрганиш ва охири-оқибатда шу пайтгача «тишаниш ўтмаётган» адабий меросимиз билан яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Ҳужумуриятимизда яқинда кенг ишонилган улуг муқаддас Имом ат-Термизийнинг 1200 йиллиги ҳам бунинг ёрқин намунасиридир.

Жамиятимизда рўй бераётган қайта қуриш ва аниқлаш жараёни турфаили яқинда Чимкент вилоятига қарашли Кентов шаҳрида ЮНЕСКОнинг «Улуғ Ипак йўли буйидаги маданий алоқалар» дастури доирасида «Ясавий олами» мавзусига бағишланган халқаро давра суҳбати ўтказилди. У Қозоғистон Фанлар академиясининг халқаро туркология маркази, жумҳурият Ёзувчилар уюшмасининг Бадий таржима ва адабий алоқалар бош таҳририят кенгаши, Олмосто, Истамбул ва Салжўқ дорилфунунилари ташаббуси билан ташкил қилинди. Анжуманда Туркия, Америка, Франция, Италия, Германия, Польша сингари хорижий мамлакатлардан, шунингдек Москва, Ленинград, Қозоғистондан кўнча кўринган турколог олимлар қатнашдилар. Давра суҳбатида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бадий таржима ва адабий алоқалар марказининг раҳбари, таълиқ шоир ва ёзувчи Мухаммад Али босқинчиликдаги бир гуруҳ ўзбек ижодкорлари ҳам иштирок этди. Улар орасида Тошкент Давлат дорилфунунининг профессори Беғали Қосимов, Бухоро педагогика





мўлтираб тикилиб ётган ўғилчаларига эртақлар айтар, меҳр билан аллаб-улхалариди. Ҳаётини шуларсиз тасаввур этолмасди.

Бир кун қариндошлари ўрғага олишди:

— Ҳали ёшсан, чиройлисин. Умрингни беҳуда ўтказма. Турмушга чиқ. Болаларингга ота керак-ку, ахир.

Савринисо маслаҳатчиларни ҳайдагандек чиқариб юборди.

— Болаларимга ҳам она, ҳам ота ўзимман. Ташвишимни тортмай қўя қўлинглар. Фарзандларимни ҳеч қачон

майдилар. Ўзлари хизматда бўладилар. Нуровий онахон етти қават қўрпачада яйраб-ейилиб ўтиради, шу кунларда етказганлиги учун худода минг қатла шуқурлар айтгани...

...Бу воқеа вилоятимиз ноҳияларидан бирида бўлиб ўтган. Қаршимда ўтирган кўшмага қарайман. У дардини айтишига уринардию, айтолмасди.

— Ҳаммасини айтнинг. — деди унга. — Шунда енгиллашасиз.

— Сизга ҳар доим кела-

биний овозда чинқириб юборди. Бегона эркак шимини ҳам унутиб, ўзини деразага ейилиб ўтиради. Қундуз кўйлагини очиб кўксига босиб, Болтабойга ҳадик аралаш тикилиб турарди. Рангиди ранг қолмаганиди.

Болтабой шу тонда минг хайлга борди. Бир кўнгли хиёнаткор хотиннинг сочларидан чаггаллаб, қўнчисиникига олиб чиқмоқчи, мана, буни ҳам никоҳлаб ол, демоқчи бўлди. Қишлоқнинг орияти кучли йигитларидан эмасми, ўзини босди. Лекин Қундузнинг олдига бориб,

римиз йўқ? Нима учун тўшагини харом қилган хотини мендан пул олади? Сизга маслаҳат қилдим...

Бундоқ ўйлаб қарасам, бизда ҳали бирор аёл эрига алимент тўламас экан. Совет қонунилари пулни жавобгар аёлдан эмас. Фақат эридан ундириб олишга мослаштирилган. Шунинг учун ҳам оналар бузилиб кетаяпти, болалар тирик етим қолишяпти. Негаки, аёллар ўз ҳуқуқларини яхши билишадилар. Баъзилари икки-уч бола билан ўлиб қолмайман, бемалол ишайман, деб катта кетади. Чунки қонун у томонда: ҳам эридан алимент ундиради, ҳам давлат болаларига нафақа тўлайди.

Гап алимент ёки нафақадами? Бевафо аёллар нега фарзандлари кўзлариди яширин дара-армовни йўқолмайдилар? Бу кўзлар йўқолган оталарини излайди. «Тиқ» этса эшикка умид билан қарайди, ота ҳиди, эр-қалашларини соғинади. Оналари эса алимент ва нафақа ундириб, «зўр» яшаётганига хурсанд...

Менимча, Болтабойнинг эътирозларида жон бор. Нимки хиёнат йўлига кирса жабрини фақат ўзи тортиши, қилмишларига минг-минг пушаймон есин.

Оила, никоҳ тўғрисидаги қонуналиримизга ўзгартириш қилиш зарур, деб ҳисоблайман. Бизда шундай одил қонулар бўлсинки, ҳеч ким хиёнат йўлига кирмасин, болалар тирик етим қолмасин. Қўлланмадан қаттиқ жазолаб, бошга тушадиган кўргўзликлар ҳаммани ҳушёр қилиб турсин.

Шундангина имон-этиқодларимиз мустаҳкамланади, оилалардан фойда-баракка кетмади, болакайлар ота-оналари бағрида яйраб ўсадилар.

Эҳтимол, рўзимизни муштарийлари фикримизни давом эттиришар, ўзбек оилаларидаги чинакам миллий аъяна, урф-одат, шарму-ҳаё, қадимий андиша, вафодорлик, ориятни тиклаш борасида қимматли тақлифларини ёзиб юборишар.

Эсон ҚОСИМОВ.

САДОҚАТ ВА ХИЁНАТ

ўғай ота қўлига қаратиб қўймайман.

Аёл айтганини қилди. Остонасига совчиларни йўлатмади. Фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказди. У ҳеч кимдан кам яшамасди. Чунки деҳқончиликка уста бўлиб кетган, ўғилларини ҳам меҳнатга ўргатганди.

Узоқ йиллик сабр-қаноат, машаққатли меҳнатлар Савринисо холага чинакам бахт олиб келди. Катта ўғли Мирсаид Абдукаримов катта хўжалик раиси, Абдусаттор ва Абдумўминлар фах номзоди, Абдураим «Матбуот» нишлаб чиқариш бирлашмасининг Янгийўлдаги босма-хонаси бош инженерни даражасига кўтарилдилар.

Баъзан дам олиш кунлари узоқ-яқиндаги фарзандларини бола-чақалари билан меҳрибон оналари ҳузурига келадилар. Ҳаммаёқ гавжумлашиб, ҳовли болалар қий-чувига тўлиб кетади. Келинлар Савринисо холанинг қўлини совуқ сувга урдир-

ман, дейману, вақт тополмайман. Бугун келдим. — деди у. — Ичим дардга тўлиб кетди, ана. Бевафо хотиним қаддимни букди, орномусимни оёқ ости қилди...

Шу кун у ўзини бир неча йилдан бери қийнаб юрган дардли ҳикоясини айтиб берди.

Болтабой Қундуз билан (номларини ўзгартирдик) дастлаб аҳил-тотув яшади. Уч фарзандли бўлишди. Болтабой тролкторчи эмасми, баъзан ярим кечаларда келарди. Эрталаб яна тирикчилик оламига шўнгиб кетарди.

Бир кун қундузи қандайдир иш билан уйига келди. Ҳар доим очиб турадиган дарвоза чикаридан ёпиб қўйилди. Теладан қўлини тикиб, илгачини очди. Ичкарига кирдию, тахтадек қотиб қолди: хотини — бир ёстиққа бош қўйган Қундуз ярим яланғоч ҳолда қўшинининг қўйида ётарди. Хотини эрини кўриб, ғайрита-

юзларига чакса қилиб турпурди. «Энди менга ҳаромсан», деди.

Судда хотин хиёнатини бўйнига олди. Негадир, судья Болтабойни бемехрликда, золимликда айблади, алимент тўлаб туриш вазифасини юкллади. Бир неча йил алимент тўлади, берсам ўз фарзандларим учун бераман-да, деб ўзини юпатди. Лекин шу бугун ёнидаги дўстининг гапи жон-жонидан ўтиб кетди. «Ҳамма аёб хотинингда-ку, — деди у. — Нега сен алимент тўлайсан? Болаларини ўйламай, шу йўлга кирган экан, хотининг тўласин».

Болтабой ҳозир бошқага уйланган, фарзандлари бор. Собиқ хотини ҳам кимгадир тегиб кетибди.

— Мана, сиз газетда ишлайсиз, эр-хотинлар тўғрисида кўп ёзгансиз. Айтингчи, нима учун хиёнаткор хотинларнинг ҳушини жойига келтириб қўядиган қонуна-

ҲАЁТНИНГ ОҒРИҚ НУҚТАЛАРИ

Турмуш чорраҳаларида

МЕН ҳали хиёнатни, унинг ўткир тиги рўқда қанчалар азоб беришини тўлиқ идрок эта олмадим. Аммо бевафолар билан бўлаётган юзлаб, минглаб оилаларнинг аксарияти хиёнат боис ёхуд бир-бирини тушунмаслик оқибатида келиб чиқётганлигини кўргач, унинг даҳшатини сеза бошладим.

Хиёнат кирган эшикдан кут-баракка арийдилар. Хиёнат кезган хонадондан имон кетади. Хиёнат тамгаси тушган бошини маломат тоши ёради.

Менга ўз тақдирдан шикоят қилган аёлнинг кўз ёши кўлоб эди — умид билан оила курган тиргакши ундан ўзга аёлни афзал кўради, болалари келажикни ўйламай у билан ниҳона айш-ишрат сура бошлади. Аммо ёпғилқ қозон ёпғилқ қолишига диёнатпазлик кийинлар тўсиқлик қилишди. Кўп ўтмай сир очилди. Хиёнат ботқоғига ботган эр хотинига минг бора тавалло қилди, алиндилар-ёлворди. Охир-оқини нимаякам қилсин, уни тергайдиган кишиси бўлмаса, ота-онаси ўз йўлига, опаси ўз йўлига кетган бўлса.

Халқимизда қасд қилган паст бўлар, деган нақл бор. Ўзининг таъбирича, бу хўриқлар-

га чидолмаган хотин ҳам вафосизлик қилди. Суҳбат чоғида ўзини оқлай бошлади, аммо аллақачон андишанинг чегарасидан чиқиб кетганлигини ҳис этмас эди.

Ана шу оиланинг тўнғич қизи ота-онаси йўқлигидан фойдаланиб, уйига алмойи-елжойи йигитларни бошлаб келазверди. Номус ҳақида ўйлаш унинг тушига ҳам кирмади, аксинча, нобол кимсаларнинг ноёб сўгаларидан сермаст бўлиб, беш-баттар тубанлик ботқоғига ботди.

Кенжа қиз мактабга боришни қанда қилиб, ёмон гуруҳларга қўшилиб кетди. Бошқа киммала қилсин, уни тергайдиган кишиси бўлмаса, ота-онаси ўз йўлига, опаси ўз йўлига кетган бўлса.

Лабзи йўқ, беибо сўзларни ҳар гапига қўшиб гапирадиган бу аёл билан суҳбатлашиш

азоб. Шунча гуноҳини қаҳрамонлик санаб ифтихор билан сўйлаётганидан нафратлана-сан, киши. Лекин нима бўлганда ҳам уни тинглаш керак. Чунки кўнглина қўни-қўшинлар ўзларини соқит қилиб «бироя»ларнинг шахсий ҳаётларига аралашмаслигини лозим топишса, ишхонадаги ҳамкасблари нари борса ҳайфсан беришларини мумкин.

Аёл кўз ёшлари шашқатор эди — қаровсиз қолган кенжатоғий уйда ёнғин чиқариб, ўзи ноубуд бўлган. Она йиглар, йиги орасида эрини қарғар, ҳақоратлар, унга таъна тоши отар, у шундай қилмаганида ўғли омон қолишини айтиб йиглар эди. Аммо жилла кўрса, ўзининг ким эканлигини, ўз хатоларини эсламас, ҳаттоки маълум даражада ўзини оқлар ҳам эди...

Унинг боши тошга теги. Лекин энди кеч!

Кени энди айш-ишратга мойил эр-хотиннинг қўзи очилса! Йўқ, улар шу чиркин ҳисларга мослашиб бўладилар...

...Ешгина келинчакнинг қўли-

да гўдаги билан турмуши бумонлик санаб ифтихор билан сўйлаётганидан нафратлана-сан, киши. Лекин нима бўлганда ҳам уни тинглаш керак. Чунки кўнглина қўни-қўшинлар ўзларини соқит қилиб «бироя»ларнинг шахсий ҳаётларига аралашмаслигини лозим топишса, ишхонадаги ҳамкасблари нари борса ҳайфсан беришларини мумкин.

Қайнона. Ўз сўзида қолди, ўйил жим. Келинчак болам етим қолади деб худонинг зорини қилди, бўлмади. Нахотки келиннингиз шунчалик ношуд бўлса, балки ўрганиб кетар, дедик босқилар билан. Орага маҳалла кўмитаси, хотин-қизлар кенгаши тушди. Натига бўлмади. Келин ҳақида қўни-қўшинлар жуде илиқ сўзлар айтишди. Қайнонасига тушунтиришдан наф йўқлигини таъкидлашди. Демак, одатдагидек тушунмовчилик, лоқайдлик оқибатида яна бир гўдак отасиз мунғайиб ўсиши керак.

Хўп, келин қувсиз экан, кел-

раксиз гап-сўзлар, можаролар не даркор! Ундан кўра ҳамжиҳатлик билан оилани мустаҳкамласа бўлади-ку! Аммо буни айримларга тушунтириб бўйсиз.

...Эри бувининг келини янги тушганида ўчоққа олов ёқишни ҳам эпломасди. Сабр-тоқатли қайнона уни қизим-қизимлаб, бағрига тортиди, шарин суханик билан билмаганларини ўрғатди. Ҳозир маҳаллада унинг келини олдига тушадигани йўқ. Ахир ҳамма ҳам ишбилармон ёки эпчил бўлиб туғилмайдикун! Ҳар бир нарсасга эришиш учун вақт, чидам керак. Энг асосийси соф муҳит бўлсин.

Ўқоридаги каби ҳаётий мисолларни кўплаб келтириш мумкин, чунки улар турмушимизнинг деярли ҳамма нуқта-ларига учрайди. Уларни бартараф этиш йўлларини топойлик. Эшитишдан кўра ҳис этиш, ёрдам келиннингиз шунчалик ношуд бўлса, балки ўрганиб кетар, дедик босқилар билан. Орага маҳалла кўмитаси, хотин-қизлар кенгаши тушди. Натига бўлмади. Келин ҳақида қўни-қўшинлар жуде илиқ сўзлар айтишди. Қайнонасига тушунтиришдан наф йўқлигини таъкидлашди. Демак, одатдагидек тушунмовчилик, лоқайдлик оқибатида яна бир гўдак отасиз мунғайиб ўсиши керак.

Нигора ПУСУРМОҶОВА, Янгиобод шаҳри.



Душанба

12 НОЯБРЬ

УзТВ I

18.05 Янгликлар 18.10 Мультфильм. 18.20 Инсон ва атраф-муҳит. 19.00 Ҳуқуқ ҳаётида. 19.30 «Ахборот» 19.50 Сихат-саломатлик. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Тилимиз муаммолари. 23.20 Наврӯз-90.

УзТВ II

19.05 «Ассалому алайкум». 20.05 Спринт. 20.20 Қадимий кўлэмалар. 20.50 Диллар бирлиги — эллар бирлиги.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.00 Шарқ юлдузлари. 22.20 Кўна тоғлар афсонаси. Бадий фильм.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 Клим Самгиннинг ҳаёти. Кўп сериал теле-визион бадий фильм. 2-серия. 10.40 Мультфильм. 11.10 Концерт. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 «Время». 17.15 Мультфильм. 17.30 Болалар соати. 18.30 Биз ва иқтисодиёт. 19.00 «Время». 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.20 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. 22.05 Футбол шарҳи. 22.35 Композитор Е. Доганин ижодий кечаси. 23.50 Муаллифлик телевидение-си. 01.05 ТЯХ.

MT II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15. 12.10 Илмий-оммабоп фильм. 9.35. 10.35 Физика. 10.05 Италия тили. 11.05 Сиз яратган бог. 11.35. 12.30 Адабиёт. 13.05 Азизим Эдисон. Бадий фильм. 17.30 Теннис. 19.00 «Время». 19.30 Телевизион мусиқий абонемент. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Теннис. 21.35 Конверсия одимлари. 22.10 Кемадаги жиноят. Бадий фильм. 1-серия. 23.20 Оғир атлетика. 23.50 Теннис.

Сешанба

13 НОЯБРЬ

УзТВ I

18.05 Янгликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 Узбек тилини ўрганиш. 18.50 Фанга бағишланган умр. 19.30 «Ахборот». 19.45 Жумҳурият ёш ёзувчиларининг VI семинар-кеңашчи ҳақида. 20.25 Тижорат хабарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Нодир шахс. Бадий фильм.

УзТВ II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.00 Бадий фильм.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.25 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 3-серия. 10.40 Олам кинокамера кузусида. 11.40 Концерт. 12.00 Болалар соати. 13.00 «Время». 13.40 Коллаж. 17.15 «ТелеЭКО» журнал. 17.45 Халқ қалби яшар экан. 18.15 Бор бўл, мусика. 19.00 «Время». 19.30 Ҳужжатли фильм. 19.45 Мультфильм. 19.55 Нодипломатик суҳбатлар. 20.15 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.00 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.15 Шахмат бўйича жаҳон че-

пионатида. 22.30 Концерт. 23.05 Адабий-бадий программа. 01.05 ТЯХ.

MT II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15. 11.55 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35. 10.35 Жўрфория. 10.05 Француз тили. 11.05 Француз тили. 11.35. 12.45 Биология. 12.15 «Бурда моден» таклиф этади. 13.05 Кемадаги жиноят. Бадий фильм. 1-серия. 14.15 Ритмик гимнастика. 17.30 Догистон телевидение студиясининг программаси. 18.00 Оғир атлетика. 19.00 «Время». 19.30 Жаҳон бозорига калит. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Сўз билан тәнҳо. 21.35 АҚШ—ССЖИ телекўприги. 22.15 Коллаж. 22.20 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 00.20 Кемадаги жиноят. Бадий фильм. 2-серия. 01.15 Футбол. ССЖИ кубоги 1/8 финал. «Динамо» (Москва) — «Спартак».

Чоршанба

14 НОЯБРЬ

УзТВ I

11.30 Физика. 12.00 Медицина ва биз. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. 18.05 Янгликлар. 18.10 Кўйрочок фильм. 18.30 Қувноқлар даврасида. 19.00 Созида севаги васфи. 19.30 «Ахборот». 19.45 Маорифимиз муаммолари. 20.30 «Ахборот». 20.50 1990 йилги Ҳамза номдаги жумҳурият Давлат мукофотининг лауреатлари. 21.30 «Время». 22.00 Зина, Зинуля. Бадий фильм.

УзТВ II

19.05 Миш-миш ва ҳақиқат. 19.45 Телефильм. 20.00 Тошкент хабарлари. 20.10 Шимол қиссаси. Бадий фильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.00 Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 Шаҳар чеккасидаги тегиримон. Бадий фильм.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Бор бўл, мусика. 9.50 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 4-серия. 10.55 Адабий бадий программа. 13.00 «Время». 13.40 Футбол. ССЖИ кубоги 1/8 финал «Динамо» (Москва) — «Спартак». 15.20 Концерт. 17.15 Компьютер билан мулоқот. 18.00 Болалар соати. 19.00 «Время». 19.30 Сивсий мулоқотлар. 20.20 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 4-серия. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. 22.05 Телевизион мусиқий фильм. 00.25 ТЯХ.

MT II

17.30 Томошабин меҳри соврини кинофестивали. 18.15 Оғир атлетика. 19.00 «Время». 19.30 XXI аср гивҳандларсиз. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Концерт. 21.10 Коллаж. 21.15 ССЖИ—АҚШ телекўприги. 22.10 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 00.10 Ҳужжатли фильм.

Пайшанба

15 НОЯБРЬ

УзТВ I

11.30 Ботаника. 12.00 Фильм-концерт. 12.30 Болалар учун фильм. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. 18.05 Янгликлар. 18.10 Мультфильм. 18.25 Замин саховати. 18.55 Алифбо сабоқлари. 19.30 «Ахборот». 19.50 Ёшлик оқшоми. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Дастлабки тергов. Бадий фильм.

УзТВ II

19.05 Тижорат хабарлари. 19.10 Давр талаби билан. 19.40 Навоийхонлик. 20.10 Улим сиртмоғида. Бадий фильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.00 Концерт. 22.50 Ошиқ Фароб. Бадий фильм.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 5-серия. 10.40 Композитор Е. Доганин ижодий кечаси. 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 «Время». 17.15 Педагогика ҳамма учун. 17.45 Объектив. 18.15 Халқ куйлари. 18.30 Сивсий мулоқотлар. 19.00 «Время». 19.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.15 Ҳужжатли фильм. 20.25 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 5-серия. 21.30 «Время». 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.15 П. И. Чайковскийга бағишланган Тунингиз фестивали. 23.30 ТЯХ. 23.45 Эстрада концерти. 00.05 Воқеалар ва мулоҳазалар.

MT II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.40. 10.45 Табиатшунослик. 10.00 Педагогика ҳамма учун. 11.05 Испан тили. 11.35. 12.35 Физика. 12.05 Испан тили. 13.05 Викторина. Бадий фильм. 14.30 Ритмик гимнастика. 17.30 Концерт. 18.00 Ритмик гимнастика. 18.30 Ҳужжатли фильм. 19.00 «Время». 19.30 «Коллаж». 19.35 Ҳужжатли фильм. 19.55 Бир кун Кусковда. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Циркин ҳамма севади. 21.10 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 22.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 22.30 Хоккей. «МАСК» — «Химик».

Жума

16 НОЯБРЬ

УзТВ I

11.30 Зоология. 12.00 Телефильмлар. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. 18.05 Янгликлар. 18.10 Эстрада концерти. 18.45 Изларингни излайман. 19.30 «Ахборот». 19.50 Янги атамалар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Мусиқий кўрсатув. 21.30 «Время». 22.00 Транссибирь экспресси. Бадий фильм.

УзТВ II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 20.00 «Пульс». 20.10 «Тошкент» студияси кўрсатуви-нинг давоми.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.00 Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 Бардлар. Бадий фильм.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.25 Сильва. Телевизион мусиқий фильм. 1—2-сериялар. 11.45 Ҳужжатли фильм. 12.15 16 ёшгача ва ундан катталар. 13.00 «Время». 13.40 Хоккей. МАСК — «Химик». 14.50 Бизга одамлар ҳақида сўзлаб берган ёзувчи ҳақида. 17.10 Мусиқий ҳазина. 17.50 Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 18.50 Долзарб интервью. 19.00 «Время». 19.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 20.00 Концерт. 20.30 «В и Д» таништирадиган: 500 программаси. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. 22.05 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 22.20 Бу бўлган... бўлганди. 22.40 «В и Д» таништирадиган. «Взгляд», «Веди», «МТУ». 01.55 ТЯХ.

MT II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15. 10.25 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35. 10.45 Табиатшунослик. 9.55 Инглиз

тили. 11.05. Инглиз тили. 11.35. 12.40 Мусика. 11.55 Билидонлар учун машқ. 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.00 Оғир атлетика. 18.45 Спорт ҳамма учун. 19.00 «Время». 19.30 Сизга куйлаб бераман. 20.15 Мультфильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар. 20.45 «Ялта—91» эстрада кўшиқлари ижрочилари танлови. 21.00 «Сен-Польде-Венседеги вернисаж». 22.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 23.30 МТ хазинасида. «Энди кетаверсин». Телевизион бадий фильм 1—2-сериялар.

Шанба

17 НОЯБРЬ

ХАЛҚАРО СТУДЕНТЛАР КУНИ

УзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Виринея». Бадий фильм. 10.50 Шийлондаги учрашувлар. 11.55 Спорт программаси. 12.55 Раққоса Гулчехра Юсупова. Фильм-концерт. 13.40 Фанга бағишланган умр. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Сохрли самовар». Мультфильм. 18.15 «Тенгдошлар». 19.00 Узбек тилини ўрганиш. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Юлдуз Усмонова куйлайди. 20.15 Оқшом эртақлари. 20.30 «Хартанова». 21.30 Москва «Время». 22.00 Санъат усталари. Концерт. 23.00 «Манчжурия услуби». Бадий фильм. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Саъту қалом». 9.55 «Жомий ва Навоий». Телевизион спектакль. 12.15 «Фудзиянинг забт этилиши». Бадий фильм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 18.45 «Нима учун филлар?» Мультфильм. 19.00 «Новостин» 19.20 Эрон телевидениесининг «Мавлоно» ансамбли бизнинг меҳмонимиз. 20.05 «Мулоқот». 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 Москва «Время». 22.00 «Фудзия-манинг забт этилиши». Бадий фильм.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 «Сиз яратган бог». 9.35 «Партнер». 10.05 Бейсбол, жирафлар, рус кантриси ва бошқа кўн нарзалар. 11.05 «Дўстлик меридиванлари». 12.05 «Прогноз». 12.35 Телевизион ҳужжатли фильм. 12.45 Концерт-учрашув. 14.05 Бадий-публицистик фильм премьераси. 15.15 Ҳайвонот оламида. 16.45 «Кундузги поезд». Бадий фильм. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильм. 19.25 ССЖИ ҳукуматида. 19.40 ВДР (ГФЖ) телевидение студияси оқшоми. 21.30 «Время». 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.15 Концерт. 22.25 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.40 ВДР (ГФЖ) телевидение оқшомининг давоми. 01.40 ТЯХ.

MT II

8.30 Эрталабки бадан тарбия. 8.45 Оила телепрограммаси. 9.45 «Майдон». 10.45 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 11.15 Бадий фильм премьераси. 12.20 Долзарб суҳбат. 12.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45

Оғир атлетика. 21.30 «Время». 22.00 ССЖИ олий кенгашининг сессиясида. 23.30 ССЖИ кубоги. 1/8 финал. «Спартак» — «Динамо» (Москва). Тунги сессия. 01.10 «Сизни Теймир чекиратпти». Бадий фильм.

Якшанба

18 НОЯБРЬ

УзТВ I

8.00 «Хартанова». 9.00 «Осмонни забт этувчилар». Бадий фильм. 10.35 «Пахтакор» командаси билан учрашув. 11.55 «Дўстлик» кўрсатуви. 13.10 «Алифбо сабоқлари». 13.45 «Деҳқон ва замин». 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Кичинтой» программаси. 18.40 Концерт. 19.20 «Аралаш» ҳажвий киножурнал. 19.30 «Ахборот». 19.45 «Навоий гулшани». 20.30 «Ахборот» 20.50 Мусиқий кўрсатув. 21.30 «Время». 22.00 «Эне маскани». 23.00 «Бу шунақа ўйин». Бадий фильм. 00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сепеда». 10.05 Реклама. 10.15 «Мўъжиза алифбо». 10.55 «Тоғлардаги ёғду». Бадий фильм. 17.40 Кўрсатувлар тартиби. 17.45 «Тоғлардаги ёғду». Бадий фильм. 19.00 «Сифар қардан — қаҳон дидан». 20.00 «Хартанова». 20.30 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 «Боз яқ барномаи жавони». 23.20 Телетомошабин ҳамроҳи.

MT I

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 «Мусиқий киоск». 13.30 «Здоровье». 14.15 Кинопрограмма. 15.35 Қишлоқ янгликлари. 16.50 Мультфильм. 18.00 Концерт. 18.10 «Тирилик». Бадий фильм. 1- ва 2-сериялар. 21.30 «Время». 22.00 «Оддий ва мангулик ҳақида». 22.15 Фотоконкурс. 22.20 «Маллет-шоу». Кўйрочок фильм концерт премьераси. 23.10 «АРС». Олимпия спорт комплексига таклиф этади.

MT II

8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 Мультфильм. 8.55 Концерт. 9.15 Ҳужжатли фильм. 10.05 Саёҳатчилар клуби. 11.05 Режиссер Б. Галантер фильмлари.

14.15 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНING ВИДЕОКАНАЛИ

16.45 Оғир атлетика. 17.30 «Планета». Халқаро программаси. 18.30 «ТФ» студияси. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «ТФ» студияси. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. 23.05 «ТФ» студияси.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ БИНИНГ
СИРТИН ТАЪЛИМ МАКТАБИ

АЛИФБОНИ ЎРГАНАМИЗ

3-ДАРСНИНГ ДАВОМИ

7. **ШЕ** (ش) ҲАРФИ

Ше ҳарфи араб алифбосига форслар томонидан киритилган ҳарф. Бу ҳарф қўла кам сўзларда ишлатилади. У устига қўйилган учта нуқтаси билан ўзига ўхшаш ҳарфлардан фарқланади. Бу ҳарф ҳам бир ёқлама қўшилувчи. Яъни фақат ўнг томондан боғланувчи охириги еттинчи ҳарфдир. Эсувда икки хил кўриништа ёга: Янқа ҳолда (ش), боғланган ҳолда (ش). Маълум бир қисми сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади:

18-топшириқ. Шенинг биринчи кўринишини беш қатордан ёзиб чиқинг.



19-топшириқ. Шенинг иккинчи кўринишини беш қатордан ёзиб чиқинг.



20-топшириқ. Ўтилган ҳарфлар иштирокида сўз бўғинлари ва сўзлар ҳосил қилинади.

ИЗОҲ: руд - ариқ, дарё; орд - ун; овард - жанг, уруш.

МАНЗАР АБДУЛҲАЙРОВ
РАҲИМБЕЙ КУМАНИЁЗОВ

Пойтахтимизнинг Навоий номи Давлат академик Катта театри яқиндаги ҳибонда мамлакатимизда ягона бўлган Халқаро сопол боғи очилди. Бу ерга Мексика, Испания, ГФЖ, Швейцария каби горжий мамлакатлардан ва мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган 24 нафар мусаввирнинг сополдан ишланган асарлари қўйилди. Қуйдаги суратларда халқаро сопол боғининг тантанали очилиш маросимини ва экспонатларга охириги ишлов берилаётган пайтни кўриб турибсиз.

Х. СОЛИҲОВ суратлари.



Мозийнинг НОМАНИШ САҲИФАЛАРИ

Ўтмишини, насл-насабини билмаган одамнинг эртанги куни ҳам йўқ. Унинг йанқурт бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Юртимиз, ўлкамиз шундай тарихга эгаки, унинг ўқилмаган саҳифаларини варақлаган сайин кўнгил тоғдек кўтарилади. Ақлинг чарчлаиб, дунёқарашинг кенгаяди. Тарих фанлари доктори Ю. Бурияковнинг вилоятимизнинг қўнчиликка яхши таниш бўлмаган кўҳна тарихи ҳақидаги мақолалари ҳам шу мақсадга хизмат қилади, деган умиддамыз.

Х асрда яшаган таниқли араб ўлкашуноси Мақдисиё Окс (Амударё)нинг Шарқ томонида жойлашган Мовароуннаҳрга татрифт берар экан. Чоч давлати таркибда Йирик Бенакет шахри бўлганлигини ҳам тилга олган. У бу шаҳар Исоқ (Оҳангарон) дарёси Чоч (Сирдарё) қўйиладиган жой соҳилида жойлашганлигини кўрсатади.

Ўлкашунос Бенакет халқаро қарвон йўлларида жойлашганлигини, катта аҳамият касб этганлигини ёзади. Буюк ипан йўлининг бир қисми ҳам «Бенакет йўли» деб аталган. Мақдисиё шаҳарда мудофаа иншоотлари бўлмаган дейди. Буни у бенакетликларнинг исёнкор руҳи билан изоҳлаган.

Кўҳна шаҳар харобаларини ўтган асрдаёқ Шоҳруҳия деб аталган жойда аниқланган. У 150 гектарга яқин майдонни эгаллаган. Сирдарё шаҳарнинг бир қисmini ювиб кетган бўлишини ҳисобга олганда Бенакетни Шарқнинг йирик шаҳар-

лари қаторига қўшиш мумкин. Бу ерда кулолчилар, шипадамкорлар, заргарлар устaxonалари бўлган. Топилган турли тангачалар шаҳарда хунармандчилик, савдо-сотиқ равнақидан далолат бериб турибди.

Кейинчалик биз шу ҳудудда шаҳарни ўраб турган мудофаа деворлари ва минораларини ҳам топдик. Лекин уларни ўрганиб бу иншоотлар Темури даврида қурилганлигини аниқладик. Бу пайтда анча ҳувиллаб қолган Бенакет Амир томонидан Чоч дарёсидан ўтишда муҳим мудофаа жойи деб баҳоланган ва у мустаҳкам деворлар билан ўралиб, Темурининг ўғли Шоҳруҳ номи билан атала бошлаган.

Шуниси қизиқки, бу ерда ҳўжалик, тенгшлаш ишлари олиб борилганида кўпгина идишлар ва ҳатто тангалар хазиналари ҳам топилди. Аммо кўҳна деворлар, уйлар, экинзорлар, замонавий иморатлар остида қолиб кетган эди. Шу сабадан

топилмалар олимларни унчалик қизиқтирмади.

Аммо биз кеч куз кунларининг биринчи бу ерга келганимизда ҳайратдан лол қолдик. Шаҳристон чўққисидан илк бор бутун шаҳарни нафтгаддек кўра олдик. У аввал тахмин қилинганидан қарийб уч баробар кўп майдонни — 400 гектарни эгаллар экан. Унинг чегараларини хандақлар, қалъа деворлари, миноралар ўраб турарди.

Биз, табиийки, қазини ишларини шаҳарнинг ана шу шарқий чеккасидан бошладик. Ҳақиқатан ҳам бир жойда минора ҳаробаларига, бошқа ерда нураган деворларга дуч келардик. Ана шу мудофаа иншоотлари яқинида шаҳар ичкарисидида, «Бенакет савдо йўли»га олиб борувчи дарвозалар олдида эса нафис шиша, кулолчилик буюмлари тайёрланадиган устaxonалар харобаларини топдик. IX—X асрларда зарб этилган тангалар ҳам кўп эди.

Демак, машҳур шарқ ўлкашуноси хато қилган экан-да. Наҳотки замондошларидан бирортаси бу хатони тўғрилай олмаган бўлса?

Биз тўпурқ қатламларини синчиқлаб текшириб чиқдик: паҳса деворлар IX—XII асрларга хос эди. Қалъа деворлари IX—X асрларда қурилган уйлар устида ҳам жойлашган экан. Миноралар аскарлар идиши, лаганлар, мис тангалар то-

пилди. Уларга қараб вақтни аниқлаш қийин эмасди. Жумладан, тангалар сугдиёнада 1013—1014 йилларда дастлабки қорахон хумдорларидан Аҳмад бин Али томонидан зарб этилган. Бу оддий мис тангаси арзон молларни харид қилиш учун туланган. Аммо улар Мақдисиё шаҳар татрифини баён этиб бергандан ярим аср сўнг зарб этилган.

Демак, Бенакет X асрдаёқ 400 гектар атрофидаги ҳудудда жойлашган. Бу вақтда у Чимкентдан жанубий-ғарбда Каспий бўйларига-ча чегарага эга бўлган. Чоч бу вақтда Мақдисиё таъкидлаганидек, ўзининг фойдали қазилмалари, темир буюмлари, газмоллари, силри идишлари билан машҳур бўлган. Аммо унинг мудофаа иншоотлари, хандақлари, XI аср бошида қорахонийларнинг ёш давлати ташкил тонаётганда пайдо бўлган. Чоч таркибидидаги Бенакет Сирдарёдан кечиб ўтиладиган жой ҳам бўлган. Унинг соҳилидан кемаларга галла юкланиб, кўчманчи қабилаларга жўнатилган.

Бенакет XII аср охирига келиб бутун Чоч давлатининг пойтахти вазифасини ўтаган бўлиши эҳтимол. Чунки бу йилларда Тошкент номи энқр этилган тангалар топилмади. Аммо Бенакетнинг шу даврдаги тангалари кўп. Балки шунинг учун манбаларда Чингизхон истилоси даврида Тошкент тўғрисида гап бормаيدди. Айни пайтда Бенакет истилочилардан тўрт кун давомида ҳимоя қилинганлиги, шундан сўнг Хўжанднинг наҳрамонона мудофааси ёзиб қолдирилган. Афтидан шаҳар деворларига татар-муғуллар ёпирилган, аммо энди бу шаҳар тарихининг бошқа саҳифасидир.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.


Тошкент вилоят ижроия қўмитаси жамоаси Тошкент вилоят ижроия қўмитаси капитал қурилиш Бош бошқармаси бошлиғи

Талъат Шомуродович АҲМЕДОВнинг бевақт вафот этганлиги мўносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.



Бемор: — Илтмос кўз олдимда қайнатсангиз, «сарик» бўлиб қолмай яна.

РАССОМ
ХАХВ
ҚИПАДИ



Эсин ҳаммом, эсин тос... Расмларини Шавкат ТУРОБОВ чизган.